

Маълумот учун кастрация деб ҳайвонлар ва одамларда жинсий аъзоларни олиб ташлашга айтилади. Сенат аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунни маъқуллади. Қонун билан қуйидаги жиноятлар учун жазо чоралари оғирлаштирилмоқда:

1

Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш (115-модда);
– тақлиф этилмоқда: 60 млн. сўмгача жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари; (амалда: 15 млн. сўмгача жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари).

Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-модда);
– тақлиф: 1-қисми 480 соатгача мажбурий жамоат ишлари, 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш; 2-қисми 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш, 3-қисми оғирлаштирувчи ҳолатларда 5 йилдан 8 йилгача қамоқ озодликдан маҳрум қилиш; (амалда: 1-қисми 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари, 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари; 2-қисми 480 соатгача мажбурий жамоат ишлари, 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, 5 йилгача озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш).

2

16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (128-модда);
– тақлиф: 1-қисми 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш; 2-қисми 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш; 3-қисми 8-йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади; (амалда: 1-қисми 480 соатгача мажбурий жамоат ишлари, 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, 3 йилгача озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш; 2-қисми 5 йилгача озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш; 3-қисми 5-йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш).

3

16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш (129-модда);
– тақлиф: 1-қисми 2 йилдан 3 йилгача озодликдан чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш; 2-қисми 3 йилдан 5 йилгача озодликдан чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш. 3-қисми – агар ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб содир этилган бўлса 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади; (амалда: 1-қисми 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари, 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари; 2-қисми 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, 5 йилгача озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш)

4